Ўзбекистон энергетика ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгаши томонидан «13» 07 2020 йил №15 сон билан рўйхатга олинди.

Раис: С.С.Тўхтаев

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган «14» 07 2020 йил Баён № 20-55 с"

# «БУХОРО ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**2020 - 2022 йил(лар) учун**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

| Иш берувчи Бош директор: | Касаба уюшма қўмитаси раиси: |
| --- | --- |
| ________ Б.Б.Ҳаётов | ________ Д.З.Ўринов |
| 2020 йил «14» июл | 2020 йил «14» июл |

| Иш берувчи вакиллари | Ходимлар вакиллари |
| --- | --- |
| 1. ________ И.Асронов. | 1. ________ Ниёзов Х. |
| 2. ________ А.Асоев | 2. ________ Холова Д. |
| 3. ________ Шарипов Д. | 3. ________ Д.Рахмонов. |



**МУНДАРИЖА**

I. Бўлим. "Умумий қоидалар"________

II.Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари ________

III.Бўлим. "Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш" ________

IV.Бўлим."Иш вақти ва дам олиш вақти " ________

V.Бўлим. " Меҳнатга ҳақ тўлаш"________

VI.Бўлим." Меҳнатни муҳофаза қилиш"________

VII.Бўлим."Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар"________

VIII.Бўлим."Меҳнат низоларини ҳал этиш"________

IX.Бўлим. " Ижтимоий шерикчилик. Касаба уюшма қўмитаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши"________

X. Бўлим. "Касаба уюшмаси қўмитасининг мажбуриятлари"________

XI.Бўлим." Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари" ________

XII.Бўлим. " Ёшлар учун қўшимча кафолатлар" ________

XIII. Бўлим. "Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар"________

XIV.Бўлим. "Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишлари"________

XV. Бўлим. "Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида"________

XVI.Бўлими. " Жамоа шартномаси бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш"________

**“Бухоро ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти билан Касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

## 1-Бўлим. “ Умумий қоидалар”.

**1.1.** Мазкур «Жамоа шартнома»си «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ билан Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшма Республика кенгаши ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган **тармоқ (тариф) келишуви** асосида «Бухоро ҳудудий электр тармоклари корхонаси» АЖ ва Касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий шерикчилик тамойили асосида конструктив ҳамкорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари шароитида жамият меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида тузилган.

**1.2.** Мазкур шартнома меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи ҳамда ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминловчи меъёрий ҳужжатдир.

**1.3.** Мазкур шартнома асосида мулкчилик шаклидан катъий назар “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ тизимидаги “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ билан Касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилади.

“Бухоро ҲЭТК” АЖ ўз ички имкониятларидан, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятлари натижаридан келиб чиққан ҳолда мазкур шартномага киритилган у ёки бу кўрсаткичларни камайтирмаган ҳолда жамоа шартномаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

**1.4** Жамоа шартномаси тарафлар имзолаган кундан кучга киради ва амалдаги шартнома муддати тугаб янги жамоа шартномаси тузилгангача амал қилади.

**1.5** Мазкур шартнома Иш берувчига ва Корхонанинг барча ходимларига ,шу жумладан жамоа шарномаси кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга хам ўриндош ходимларга хам тадбиқ этилади

**1.6** Мазкур шартномада назарда тутилган холларда унинг айрим қоидалари қуйидагиларга нисбаттан ҳам тадбиқ этилади.

а) Ходимнинг оила аьзоларига

б) пенсияга чиқиши муносабати билан мехнат муносабатлари бекор тқилинган шахсларга .

в) Касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига.

г) Корхонада мехнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жарохатланиши , касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг болшқа хил шкастланиши туфайли зарар етган собиқ ходимларга .

д) мехнатда майиб бўлиш, касб кассалиги ёки мехнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигига шикаст етиши сабабли вафот этган ходим карамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган мехнатга қобилятсиз шахсларга .

е) касаба уюшмаси аьзоларига ( касаба уюшма бюжети хисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида )



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг2006 йил 11 январдаги 4 сонли қарори билан тасдиқланган “ Касаначилик тўғрисидаги низомга” биноан мазкур шартноманинг иш хафтаси муддатига (4.1 банди ) тунги вақитдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган хақга (5.12.1 кичик банди ) иш вақтидан ташқари ишлар дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.2 кичик банди )оид меьёрий қоидалари касаначиларга нисбаттан тадбиқ этилмайди .

## II. Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари
## “Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият”

**“Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ маъмурияти ва Касаба уюшмаси қўмитаси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**2.1**. Корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**2.2.Иш берувчи ва касаба уюшмаси** ўз ҳаракатларини бирлаштириб, меҳнат жамоасининг ва хар бир ходимнинг ижтимоий–иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни ушбу жамоа шартномаси ҳамда қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида таъминлайдилар. Корхонада ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар учун сарфланадиган харажатларни аниқлаш бўйича касаба уюшма қўмитаси сайланма органининг фикрини олган ҳолда режа-назорат кўрсаткичларнинг шакллантирилишини таъминлайди.

Иш берувчи барча ходимларни , шу жумладан ишга янги кабул килинган ходимларни жамоа шартномаси , шунингдек касаба уюшма қўмитаси билан келишиб кабул қилинган бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш,

ва таьминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**2.3.** Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб боришни таъминлайди (МК 177-моддаси).

а) истиқболли кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмини кўпайтириш ва барқарорлигини таъминлаш;

б) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва корхонани ривожлантириш стратегиясини шакллантириш;

в) касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона ваколатли вакили сифатида тан олади.

г) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириши учун уни жиҳозланган хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия товарлари билан таъминлаш;

д) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда, унга меҳнат ҳамда ижтимоий ривожланиш билан боғлик масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

е) барча ходимлар жамоа шартномасининг мазмуни билан таништирилиши учун тегишли чораларни кўриш.

**2.4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарни қўллаб қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салохиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига хар томонлама кўмаклашиш ва қуйидаги мақсадларга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш:

- тежамкорликнинг қатъий режимини жорий қилиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошқа харажатларни камайтириш хисобига;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

## III-бўлим. " Мехнат шартномаси ва Бандликни таъминлаш."

3.Ходимлар томонидан мехнат вазифаларини бажарилиши мехнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар мансаб йўрикномалари, одоб ахлоқ қоидалари, Корхона низоми хамда Ички мехнат тартиб коидалига таминланишини ва назорат қилинишни тарафлар ўз зиммасига оладилар. Ички интизомни белгиловчи хужжатлар билан ходимлар таништириш иш берувчининг мажбурияти хисобланади. Интизом қоидалари билан таништирилмаган ходим мазкур коидаларни бузилиши важи билан интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин эмас.

**Иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси :**

Ходимларни ишдаги муваффикияти учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этишни , ходимларни мехнатдаги ютуқлари учун хамда юбилей саналарида ( 50.55.60 ёшга тўлганда )

Пул мукофотлари билан

Ташшакур эьлон қилиш билан;

Қимматбахо совғалар билан;

Саёхатга юбориш билан;

Корхонанинг санаторирий прафалакторийсига ,шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида хамда чет элда жойлашган санаторийлар ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

**Касаба уюшма кумитаси** ходимлар томонидан ички мехнат тартиби қоидаларига мехнат интизомига риоя этилишига ,мехнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиб боради.

Ходимлар ички мехнат тартиби қоидаларига мехнат интизомига риоя этилишига, ўрнатилган мехнат режимига дресс кодга риоя қилишлари шарт.



3.1. Касблар, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ ходимларнинг бандлиги таъминланади.

3.2. Иш берувчи ходим томонидан унга етказилган зарарни, зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб айбдор ходимдан ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишига ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

Бевосита пул ёки қимматлиликлари билан муомала қилаётган ходимлар махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган қимматлиликларнинг сақланиши таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар рўйхати жамоа шартномасида илова қилинади (Илова №---).

3.3. Меҳнат шартномасини Иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш ҳақида касаба уюшма қўмитасига киритилган тақдимнома муҳокамасида масаласи кўрилаётган ходимнинг шахсан иштирок этишини таъминланиши шарт (ходим иштирок этишдан бош тортган ёки узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган "Касаба уюшма органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби" асосида касаба уюшмаси қўмитасида кўриб чиқилади.

(Қуйидагиларда меҳнат шартномасини бекор қилинишида касаба уюшма қўмитасининг розилиги талаб қилинмайди:

корхонани тугатилиши муносабати билан;

корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексини 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра бекор қилишда;

мулк эгасининг алмашиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда).

3.4. Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиш, ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Корхона ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида 30 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишда ишдан

озод этилиши деб ҳисобланади.

3.5. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар хажмининг қисқариши ва оптимизациялаш муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда:

- ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (келгусида Меҳнат кодекси) 103-моддаси талабларига мувофиқ ишда қолиш афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифаларини аниклаш;

- ишлаб чиқариш зарурияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда вақтинча ва ўриндошлик лавозимида ишлаётганлар сонини чеклаш;

- штатлар қисқартирилганда Меҳнат кодексининг 103-моддасида кўзда тутилган ходимлар тоифаларидан ташқари пенсия ёшига тўлишига 2 йил колган ходимларга ҳам ишда қолишда афзаллик бериш;

- ишдан бўшатилаётган ходим корхонада зарур бўлган ихтисослик бўйича меҳнат муносабатларини давом эттириш хоҳишини билдирса, унинг қайта ўқитилишини ташкил қилиш ва ўқиш даврида унга ўртача иш ҳақи тўлаш;

- штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган тегишли малакага эга бўлган ходимларга корхонада очиладиган вакант лавозимларни эгаллаш бўйича имтиёзли ҳуқуқ бериш.

3.6. Таркибий бўлинмалар, бўлимлар ва бошқаларни тугатиш ёки таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида касаба уюшма қўмитасини олдиндан хабардор қилиш.

3.7. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш Меҳнат Кодексининг 94-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминлаш.

3.8. Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказиш ва бунда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш Меҳнат Кодексининг 95-модда талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминлаш.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан (буйруқ ёки фармойиш асосида) ходим (ўзининг розилигисиз) вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланувчи ҳолатлар жамоа шартномаларида



белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ишни вақтинча тўхтатилиши бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш зарурийтини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти билан, бекор туриб қолишларда эса - бекор туриб қолинишнинг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида **60 кундан** ошмаслиги керак.

3.9. Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 130-132 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномаси орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

3.10.Корхонада ҳудудий бандлик дастурига киритилган ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни иш жойи билан таъминлаш учун маҳаллий ҳокимиятлар белгиланган квоталарга амал қилинган ҳолда қўшимча иш ўринлари яратилиши таъминлайди.

3.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонига мувофиқ касаначилик меҳнати жорий қилинган корхоналарда касаначиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат кафолатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган "Касаначилик меҳнати тўғрисидаги Низом"га мувофиқ жамоа шартномаси орқали таъминланади.

3.12. Иш берувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича йиллик сарф-харажатларни молиялаштириш маблағларини тасдиқлайди.

3.13. Яширин ишсизлик ҳолатларида (ходимнинг айбисиз бўш туриб қолишлар, қисқартирилган иш режими ва х-к) корхоналар ходимлари учун мазкур келишувда кўзда тутилган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатлар сақланади.

3.14. Малака ошириш бўйича тармоққа қарашли барча таълим муассасаларида «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилади.

3.15. Юридик шахсларни тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашилади.

3.16. Олий, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларни ҳар томонлама ишга жойлаштиришга кўмаклашилади.

3.17. Энергетика касби бўйича мутахассислар тайёрлашни, касб - ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши таъминланади, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида кўнимлилиги учун иш берувчилар масъулияти оширилади.

## IV. Бўлим : " Иш вақти ва дам олиш вақти".

**4.1.** Бир ҳафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақти, иш вақтини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофиқ аниқланади ва ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

**4.2.** Қуйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

18 ёшга тўлмаган ходимлар учун;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун;

уч ёшгача фарзанди бўлган аёллар учун.

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирлиги ҳамда Соғликни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиятига асосланган ҳамда амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талаблари инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаси орқали белгиланади (МК 116, 117 моддалари).

**4.3.** Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилинади. Бунда иш сменаси 12 соатдан иборат бўлган ишчиларни, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни, ҳомиладор аёлларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қилиш тақиқланади (МК 124 моддаси).

**4.4.** Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 (бир юз йигирма) соатдан ортиқ бўлмаслиги таъминланади.

**4.5.** Иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган иш режимида банд бўлган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли бўйича ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори, ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича кейинчалик тўғриланиш шарти билан, тенглаштирилиши кафолатланади. Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг норматив миқдоридан ортиқ ишланган вақт учун ходимнинг хоҳишига кўра унга иш вақтидан ташқари вақтда бажарилган ишлар учун тўланадиган миқдорларда ҳақ тўланади ёки дам олиш куни(отгул) берилади.

**4.6.** Меҳнат Кодексининг 129-моддасига асосан ходимларга ҳар ҳафталик дам олиш имконияти яратилади.



**4.7.** Дам олиш кунларида ишлатиш таъқиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этиш ҳоллардагина, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади (МК-130 моддаси).Иш берувчининг касаба уюшма қўмитаси билан келишиб кабул килган ёзма фармоишига асоан амалга оширилади.

Байрам (ишламайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этилишига алоҳида ҳоллардагина ушбу Кодекснинг 130-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриб бўлмайдиган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишламайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

Байрам (ишламайдиган) кунлари бажариладиган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш қуйидаги асослар бўйича йўл қўйилади :

а) табиий ва техноген тусдаги авариялар , бапхтсиз ходиса , табиий офат ва бошқа фавқулодда олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда.

б)Умумхалқ хайрия ҳашарларида ихтиёрий равишда иштирок этиш хохишини билдирган ходимлар.

**4.8.** Ходим билан иш берувчи келишувига биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи МехнатКодексда(229-модда), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди (16 ёшга - тўлмаган ногирон фарзанди) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомийлигида шундай фарзанди бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра, тиббий хулосасига мувофиқ уларга 4 соатдан кам бўлмаган тўлиқсиз иш куни ёки 20 соатдан кам бўлмаган тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланади.

**4.9.** Тезкор хизмат ходимларига сменани қабул қилиб олиш учун иш вақти бошланишидан олдин 20 дақиқалик ҳақ тўланадиган вақт белгиланади.

**4.10.** Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари учун 15 иш куни ва тармоқ

хусусиятини инобатга олган ҳолда қўшимча 6 иш куни - жами 21 иш кунидан иборат, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун 15 иш кунидан иборат (тармоқ тиббиёт ходимларидан ташқари), қўриқлаш хизмати оддий ходимлари (ҳарбийлаштирилган қоровуллик) учун 21 календар куни ва раҳбар ходимлари учун 30 календар кундан иборат асосий таътиллар белгиланади.

**4.11.** Меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги "Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 263-сонли қарорига мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра қуйидагича қўшимча таътиллар берилади:

| | |
|---|---|
| - 3-класс I-даражали зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун | -3 кун; |
| - 3-класс II-даражали зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун | 4-6 кун; |
| - 3-класс III-даражали зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун | 7-12 кун; |
| - 3-класс IV-даражали зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун | 13-18 кун; |
| - 4-класс хавфли (экстремал) меҳнат шароитларида ишловчилар учун | 19-24 кун. |

**4.12.** Қуйидаги ҳолларда ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади:

| | |
|---|---|
| - ходимнинг биринчи никоҳ тўйларида | - 3 кун |
| - фарзанд туғилганда (отасига) | - 2 кун |
| - фарзандларининг никоҳ тўйларида | - 2 кун |

- яқин қариндошларининг (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари) дафн маросимларида - 3 кун.

**4.13.** Қуйидагиларга ўттиз календар кундан иборат бўлган йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

- ун саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига.

**4.14.** Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланувчи қўшимча таътил берилади.

**4.15.** Кўп сменали иш режими учун 4 иш кунигача ҳақ тўланадиган Қўшимча таътил белгиланади (бунда 2-сменада ишловчиларга ишлаган ҳар икки йили учун бир кундан, лекин 2 кундан ортиқ бўлмаган, 3-сменада ишловчиларга ишлаган ҳар бир йили учун бир кундан, лекин 4 кундан ортиқ бўлмаган қўшимча таътил берилади).



**4.16.** Биринчи раҳбарларга ҳақ тўланадиган 3 кун қўшимча таътил берилади.

**4.17.** Умумий иш стажига қараб, ҳақ тўланадиган ва жамоа шартномалари орқали аниқланадиган миқдорларда қуйидагича қўшимча таътиллар берилади (иш кунлари ҳисобида):

| | | |
|---|---|---|
| 1 йилдан | 3 йилгача | - 1 кун |
| 3 йилдан | 5 йилгача | - 2 кун |
| 5 йилдан | 10 йилгача | - 3 кун |
| 10 йилдан | 15 йилгача | - 4 кун |
| 15 йилдан | 20 йилгача | - 5 кун |
| 20 йилдан ортиқ | | - 6 кун |

**4.18.** Меҳнат шартномасини бекор қилишда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан) ходимнинг хохишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш (МК 152 моддаси).

**4.19.** Меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**4.20.** Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради:

- иш йили давомида ҳақиқатда ишлаган вақт;

- ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи сақланган вақт, бундан болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар бундан мустасно;

- меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида пайдо бўлган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

- корхона тузган жамоа шартномада иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилади.

**4.21**. Йиллик таътилларни бериш навбати ва тартиби календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143 ва 144-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда аниқланади.

**4.22.** Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

- I ва II гурух ногиронларига;
- 1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом этириб турганларга.

**4.23.** Балоғат ёшига етмаган (тўрт ва ундан ортиқ) фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш ҳақларини сақлаган ҳолда иш хафтасини 1 соатга қисқартирилади.

**4.24.** Ходимга иш хақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътил даври ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади (МК 142 моддаси).

**4.25.** Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (МК 148 моддаси).

**4.26.** Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлардан ташқари (1941-1945 йиллардаги жаҳон уруши қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар) қуйидаги ходимларга ҳам уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига.

**4.27.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 14-боби талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

## V.Бўлим : "Меҳнатга хақ тўлаш"

**5.1.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9-боби талабларига риоя қилинишини таъминланади.

**5.2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ўз вақтида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ЯТС) разрядларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш. ЯТСнинг "1" разряди бошланғич разряд ҳисобланади.



**5.3.** Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг "1" разряди миқдорини тармоқ миқёсида Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслигини таъминлаш.
**5.4.** Тармоқ тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли ва тизими, турли устамалар, мукофотлар, қўшимча ва компенсация тўловларининг аниқ миқдорлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган, касаба уюшма қўмиталари билан келишилган ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва жамоа шартномаларида мустаҳкамлаб қўйилади. Меҳнат муносабатларига оид тармоқ миқёсидаги раҳбарий ҳужжатлар (RH) касаба уюшма Республика кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.
Ходимларнинг лавозим окладлари ва тариф ставкалари меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ миқёсида қабул қилинган ягона тариф сеткаларига (ЯТС) мувофиқ белгиланади.

**5.5.** Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, шакли ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ходимлар аҳволини ноқулай томонга ўзгартирадиган янги тизими ва шаклини киритиш камида икки ой олдин ходимларнинг албатта розилигини олиш шарти билан ҳамда касаба уюшма қўмитаси билан расман келишилган ҳолда амалга оширилади.

**5.6.** Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳақининг сақланиши таъминланади.

**5.7.** МК 161-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик борасида ўз вақтида чоралар кўрилади.

**5.8.** Тармоқ тизимида кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олган ҳолда, "Хизмат қилган йиллари учун рағбатлантириш" Низомларини ишлаб чиқиш ҳамда барча корхона ва ташкилотларда жорий қилинади.

**5.9.** Дам олиш ва байрам кунларидаги, ишдан ташқари вақтдаги ишлар учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилиши таъминланади.

**5.10.** Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўланади (МК 158 моддаси).

**5.11.** Ходимга тегишли транспорт воситасидан **Иш берувчининг** розилиги билан фойдаланганлиги учун компенсация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999йилдаги 02 апрел № 154сонли Қарори билан тасдиқланган "Ходимнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлиги учун компенсация тўлаш тартиби " меъёрлари асосида тўланади.**Иш берувчининг** розилиги билан ва унинг мафаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол мулк (асбоб ускуна ,ашёлар ва ҳоказолар ) дан (автолтранспортдан ташқари ) фойдаланганда Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 144 моддасида келтирилган меёрлар асосида хисоблаб чиқилган уларнинг амртиза доирасида харажатлар қопланади.

**5.12.** Меҳнат кодексининг 171, 172 ва 173-моддаларида кўзда тутилган харажатлар ходим томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномасида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланиши таъминланади.

**5.13.** Ходимларга иш ҳақи тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан корхонанинг депозит ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли кечиктирилганда - Иш берувчи (Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.2002й. 88-сонли қарорига мувофиқ) иш ҳақини тўлаш учун банкдан кредит олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**5.14.** Корхона раҳбарияти айби билан иш ҳақи тўловлари кечиктирилганда раҳбарларга нисбатан мукофотдан маҳрум этиш ва ўртача ойлик иш ҳақининг 30%дан 50%гача жарима солиш чоралари қўлланилади.

**5.15.** Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун тармоқ миқёсида амалда бўлган ЯТСнинг «1» разряди миқдорини Республикада белгиланган ягона тариф сеткасининг «1» разряди миқдоридан кам бўлмаслиги таъминланади.

**5.16.** Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда номинал иш ҳақи миқдорини ошириш масалаларини кўриб чиқиш ва тармоқ миқёсида ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини (барча тўловлар ва устамаларни инобатга олган ҳолда) Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бароборидан кам бўлмаган миқдоргача етказилади.

**5.17.** Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасида (фондида) тариф қисмининг улуши 50 %дан кам бўлмаслигини таъминлаш тавсия этилади.

**5.18.** Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат сафарлари учун компенсация тўловлари "Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома"га (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва 7/12-сон билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган) ва Меҳнат кодексининг 171-моддасига мувофиқ қуйидаги тўловларни ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсация тўловлари:

а) йўл кира харажатлари норматив асосида (йўл ҳужжатларига асосан). Агар йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда хизмат сафари учун йўл кира ҳақи хар бир километр учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 0,08%и миқдорида ҳисобланади;

б) доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар. Агар турар жой хонасини ижарага олганликни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлган ҳолларда, харажатлар ҳар бир сутка учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 20%и миқдорида қопланади;



в) Тошкент ва бошқа вилоятлар (марказлари ва туманлари)га хизмат сафари учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 10%и миқдорида суткалик харажатлар. Корхонанинг жойлашган ҳудуддан узоқ туман ва шаҳарларга хизмат сафари учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 8%и миқдорида суткалик харажатлар.

г) Тошкент ва бошқа вилоятлар (марказлари ва туманлари)га хизмат сафари учун тўланадиган қўшимча (меъёрдан ортиқ) бир кунлик сафар харажатини ҳисоблашда Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 20%и миқдорида ҳамда корхонанинг жойлашган ҳудуддан узоқ туман ва шаҳарларга хизмат сафари учун тўланадиган қўшимча (меъёрдан ортиқ) бир кунлик сафар харажатини ҳисоблашда Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 8%и миқдорида корхона ҳисобидан тўлаш.

д) ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар.

**5.19.** Иш берувчи томонидан МК 172-моддасига мувофиқ, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланиши лозим:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

**5.20.** Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш вақтида унинг ўртача иш ҳақи сақланади. (МК 165, 166, 167-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997й. 133-сонли қарори 5-иловаси).

**5.21.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 180-моддасига биноан меҳнат учун рағбатлантириш RHk37-10-212:2020 ҳамда RHk37-10-213:2020-сонли "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ходимларини рағбатлантириш тўғрисида Низом"ларига асосан амалга оширилади.

**5.22.** "Бухоро ҲЭТК" АЖ ходимларини қора ва рангли металлар ломи ва чиқиндиларни топширгани учун мукофотлаш RHk37-10-252:2020-сонли "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ходимларини қора ва рангли металлар ломи ва чиқиндиларни тайёрлагани (топширгани) учун мукофотлаш тўғрисида Низом"ига асосан амалга оширилади.

**5.23.** Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг "Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида'ги 1951 йилги 100-Конвенцияси ратификация қилинган. Ушбу Конвенция коидаларига мувофиқ "ҳақ тўлаш" атамаси иш берувчи томонидан меҳнаткашларга унинг бирор-бир ишни бажарганлиги эвазига бевосита ёки билвосита пул ёки маҳсулот тарзида

тўланадиган оддий, асосий ёки энг кам миқдоридаги иш ҳақи ёки оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги маош ҳамда бошқа ҳар қандай қўшимча тўловлардан иборатдир.

Жинсидан катъий назар бажариладиган ишни холис баҳолашдан келиб чиқадиган фарқга мос бўлган иш ҳақи ставкаларидаги фарқга тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш принципига зид келувчи фарқ сифатида қаралмайди.

Шу билан бир қаторда, эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан тўлиқ кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантирилади (мисол иловада келтирилган).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг "Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-сонли Конвециясига риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**5.23.** Иш жараёнида зарарлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун ҳожатхона фаррошларининг лавозим маошларига 10 фоиз миқдорида компенсация тўланади.

**5.24.** Корхона миқёсида амалда бўлган Низомларга мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

## VI. бўлим "Меҳнатни муҳофаза қилиш"

**6.1.** Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини, саноат хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда меъёрларининг бажарилишини таъминлаш. Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мамлакат ва хориждаги энг илғор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилиш, ҳужжатларни давлат стандарти ГОСТ 12.0.230-2007 талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

б) ишлаб чиқариш фаолиятини қонунчилик талаблари ва "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ томонидан саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қабул қилинган талаблар, амалий ва режалаштирилган фаолиятдаги ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлардаги юқори даражали саноат хатарларини инобатга олган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш;

в) авариявий холатларни олдини олиш бўйича амалий ва барча мавжуд чора-тадбирларни бажариш, авариялар содир бўлган ҳолатда эса, ходимлар саломатлиги, атроф-муҳит ва мол-мулкка таъсир оқибатларини юмшатиш чораларини кўриш;

г) тармоқ ходимлари, корхоналар ва акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш объектларида иш олиб борувчи пудратчилардан саноат хавфсизлиги,



меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тармоқ миқёсида қабул қилинган тегишли стандартлар ва меъёрларга риоя қилишларини талаб қилиш;

д) "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ тизимидаги барча бўлим ва хизматгохлар,туман электр таьминоти корхоналариходимларини саноат хатарларини аниқлаш ва бошқаришда фаол иштирок этишга жалб қилиш. Бу борада акциядорлик жамияти ижроия аппарати ва ишлаб чиқариш объектлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш чораларини амалга ошириш;

е) зарурат туғилганда "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштириш;

ж) жамиятнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид сиёсатдаги барча ўзгаришларни ходимларга, меҳнат жамоасига, хокимиятнинг ижро органларига, назорат органларига, шериклар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш;

з) меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, хавфсизлик техникасига оид фаолият бўйича акционерлар ва меҳнат жамоаси олдида вақти-вақти билан йилда камида икки марта ҳисоботлар бериб бориш;

и) жамиятнинг барча ходимларидан хавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ишларни амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширишни талаб қилиш.

**6.2. Касаба уюшмасининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари.**

Касаба уюшмаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмаси, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ тизимидаги барча корхоналар раҳбарларидан ва ходимларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ходисалар хамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

- ходимларнинг хаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида корхонага таклифлар киритиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, корхонанинг жамоа шартномасида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида мустақил эксперт

сифатида иштирок этиш, тиббий – меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

- меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикстланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб иқишда иштирок этиш.

"Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси"АЖ ва Касаба уюшмаси қўмитаси билан хамкорликда:

- "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси"АЖ тизимидаги барча корхоналарнинг таркибий тузилмаси кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия таркибини аниқлайди, уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ташкил этади;

- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик – танловини барча номинациялар бўйича ("меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган ташкилот", "ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат уҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши касаба ушма ташкилоти", "энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил", "меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис") ўтказади ва ғолибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этади;

- ташкилот ва унинг таркибий тузилмасида уч бочқичли меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маҳмурий – жамоатчилик назорати олиб борилишини таъминлайди;

- ҳар 6 нафар ходимга (ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароатларига, бўлинма ва участкаларда жамоатчилик назоратини олиб бориш эҳтиёжига қараб) бир нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил сайлаб қўйилишини таъминлайди;

- йил давомида меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларни иш берувчининг маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 1 баробари миқдорида пул мукофоти билан моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатади. Цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма ташкилоти билан келишилган



ходимлар номзоди меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилинганан сўнг тақдирлашга тавсия этади.

**6.3.** Ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказади ҳамда ходимларни дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан *(32-илова)* ўтказилишини уларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил қилади.

**6.4.** Касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда "Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалланишни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни"(тармоқ дастури асосида) ишлаб чиқиш ҳамда унда белгиланган тадбирларни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш.

**6.5.** Қуйидагиларнинг амалга оширилишини таъминлаш:

а) "Хавфли ишлаб чиқариш объетларининг саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар учун саноат хавфсизлигининг умумий талаблари"га сўзсиз риоя қилинишини;

б) тасарруфдаги корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий актлари ва саноат хавфсизлиги талабларини белгиловчи меъёрий-техник ҳужжатлар, тегишли услубий ва ташкилий ҳужжатларнинг мавжудлигини;

в) иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузилишини (Ўзбекистон Республикасининг "Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009й. 177-сонли қарори);

г) Корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномаси орқали белгиланадиган маблағларнинг ажратилишини (ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий харажатларнинг камида 0,2% миқдорида);

д) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган корхона фойдаси ҳисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан меҳнат муҳофазаси жамғармаси ташкил қилинишини (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.11.2008й. 245-сонли қарори);

е) мақоми бўйича корхонанинг асосий хизмат бўлинмаларига тенглаштирилган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (мутахассисларининг) фаолиятини касаба уюшма қўмитаси билан келишилган низомларга мувофиқ ташкил қилинишини;

ж) корхонанинг таркибий бўлинмаларининг барча тоифадаги ходимлари учун шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим ва махсус пойафзалларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган корпоратив стандартларни жорий этиш.

**6.6.** Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларда касбий касалланиш ёки ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда зарарларни қоплаш тўловларини

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йилдаги 60-сонли "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари»да белгиланган миқдорларда ва тартибда тўлаш.

**6.7.** Хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошқа зарар етиши сабабли ходим вафот этганда, унинг оиласига **олти йиллик** ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўлаш.

**6.8. Иш <u>берувчининг</u> мажбуриятлари**:Мехнатни мухофаза килиш бўйича(шартнома муддатида хар йили ) 2020

**6.9.** йилга  минг (милн ) сўм шундан : махсус киййим бош, махсус пой афзл ҳамда бошка бошка шахсий химоя воситалари учун  минг (милн) сўм ;сут ( шунга тенг бўлган бошқа озиқ овқат маҳсулотлари ) даволаш профилактика озиқ овқати ,газлангани тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун )  мин (милн) сўм ; гигиена воситалари (нарматив хужжаларда кўрсатилган ва жамоа шартномасига муофик)минг  (милн ) сўм маблағ ажратишни таьминлайди. Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида мехнатга хак тўлашнинг энг кам миқдори ошириб борилишига мутаносиб равишда оширилиб борилади.

**6.10.** Мехнат муҳофазаси бўйича битим тузади, мехнатшароитлари ва мехнатни муҳофаза иқилиш қилиш ишларини яхшилаш, санитария соғломлаштириш чора тадбирлари режаси ва сарф харажатлар сметасига киритади ва касаба уюшмаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасига илова қилинади.( илова )

**6.11.** Корхона ходимларини меъёрий ҳужжатларда ҳамда жамоа шартномасида кўзда тутилган қуйидаги кафолатлар билан таъминлаш:

- касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ махсус кийим-бош, махсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш;
- санитария-маиший хоналарни талаб даражасида сақлаш;
- оғир ва зарарли меҳнат шароитларини аниқлаш мақсадида иш жойларини камида 5 йилда бир марта, зарурат туғилганда эса муддатидан олдин аттестациядан ўтказиш;
- иш юзасидан ювиниш тақозо этиладиган ишларда - белгиланган нормаларда бепул совун бериш;
- "Сут истеъмол қилиш тавсия қилинадиган ишлар рўйхати"га асосан бепул сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш.

**6.12.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган лицей ва коллежларни битирган ёш мутахассисларга меҳнат муҳофазаси, хавфизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва саноат санитарияси коидалари бўйича кириш йўл-йўриқларини бериш.

**6.13.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган лицей ва коллежларни битирган



ёш мутахассисларни дастлабки тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни махсус кийим, махсус пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш.

**6.14. Касаба уюшма қўмитаси** меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сайланган вакилларни, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади:

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини ҳамда уларнинг шу масалалар бўйича йўриқномалар, қоидалар ва нормаларга оид билимлари текширилишини ташкил қилиш;
- меҳнат муҳофазасига оид меъёрий-техник ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 январдаги 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги Низом" асосида қайта кўриб чиқилишини ташкил қилиш, корхона ва ташкилотларни мазкур ҳужжатлар билан таъминлаш ва жойларда уларга риоя қилинишини назорат қилиб бориш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни кенг жорий қилиш;
- "меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика (вилоят) кўрик-танлови"ни ўтказиб бориш;
- Корхонаи таркибидаги бўлим, хизматгоҳва туман электр таминоти корхоналари раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;
- ходимларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;
- меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки

соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномасида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

**6.15.** Иш берувчи:ишчи ходимларни *ўз* вақтида тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш. (МК 214-модда, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун 24-модда).

**6.16.** Регресс даъволари бўйича зарарларни қоплаш тўловларни ўз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш.

**6.17.** Корхонанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида кузги-қишки мавсумга тайёрлаш билан боғлик барча чора тадбирларни 25 август (1 октябр ) гача бажарилишини таминлайди хамда санитария маиший биноларни узлуксиз ишлашини ва уларни тегишли холатда сакланишини таминлайди .(таьмирлаш реконструкция килиш ёки янги қурилиши лозим бўлган бино бўйича аниқ кўрсатиб берилади)

**6.18.** Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларни белгиланган муддатларда ўқитиш, фаолиятига кўмаклашиш ва фаол вакилларни рағбатлантириш.

**6.14.** Касаба уюшма ташкилотининг сайланма органига меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар бериш.

**6.15.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хомашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

**6.16.** Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунининг 12-моддаси талабларига асосан, ходимларнинг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этади.

**6.17.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади. (Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунинг 31-моддаси).

## VII. Бўлим " Ижтимоий имтёзлар ва кафолатлар".

**7.1.** Қуйидаги ҳолларда "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖнинг RHк-37-10-049:2019-сонли раҳбарий ҳужжатига мувофиқ ходимларга



меҳнат таътилига қўшимча ҳақ тўлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатилади:

- меҳнат таътилига чиқишда;
- даволаниш зарурати юзага келганда;
- моддий аҳволи оғирлашганда;
- жароҳат олганда;

**7.2.** Корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб ходимларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш (қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар учун имтиёзли кредитлар олинганда, уларнинг дастлабки бадал тўлови доирасида) ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлари учун қайтариш асосида ходимларнинг аризаларига мувофиқ "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ томонидан белгиланган тартибда ссуда берилади (ходимнинг аризаси ва тегишли ҳужжатлар такдим этилганда).

Кам таъминланган ходимлар ва уларнинг фарзандлари контракт асосида ўқиши учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) корхона томонидан қайтариш асосида уларнинг аризаларига мувофиқ ўқув юртларига маблағлар ўтказилади.

Оиланинг ёлғиз боқувчиси "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖда ишласа, ссуда ажратилиши мумкин. Агарда оилада икки ва ундан ортиқ киши ишласа, "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖда ишлаётган ходимлар контракт тўловини тўлаш учун олинган кредит қопланишида корхона кафил сифатида иштирок этишлари мумкин.

**7.3.** Табиий офатлардан зарар кўрган ходимларга зарар миқдорини инобатга олган ҳолда белгиланган миқдорда мавжуд маблағлар доирасида **Ўзбекистон Республикада ўрнатилган мехнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,4 баробаригача** бир йўла моддий ёрдам кўрсатилади.

**7.4.** Жамият тизимидан пенсияга чиққан ишламаётган уруш фахрийларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган ходимларга "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан **Ўзбекистон Республикада ўрнатилган мехнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг75 фоизига тенг миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.**

**7.4.** Ходим вафот этганда унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида белгиланган **мехнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баробаригача** миқдорда ва тизимда ишлаб пенсияга чиққан пенсионер вафот этганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган **мехнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 баробаригача** миқдорда моддий ёрдам берилади.

**7.5.** Икки ва ундан ортиқ мактаб ёшидаги фарзанди бўлган ходим оилада ёлғиз боқувчи она бўлса, янги ўқув йили арафасида ҳар бир ўқувчига харид қилинадиган дарсликлар ва ўқув қуроллари қийматини иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

**7.6.** Ходимларнинг овкатланиш харажатларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган **мехнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 35%** миқдорида қопланади.

**7.7.** Ҳар бир ходим учун қишки мавсумга харид қиладиган қишлоқ хўжалик махсулотлари қийматини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган **мехнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг1.5 баробаригача** миқдоригача компенсация қилинади.

**7.8.** Мураккаб жаррохлик операцияларига ва стационар даволанишга мухтож

ходимлар учун тиббий хизмат харажатларининг тўлиқ ёки қисман қийматини тўлаш. Бунда ходимга касаба уюшмаси ҳамда корхона маблағлари ажратилади. (**тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда**).

**7.9.** Корхонада ишлаб чиқариш жараёнида сурункали хасталикни орттирган бемор ходимлар учун ёки МТЭК хулосаси бўйича санатория-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини 50%ни компенсация қилинади.

**7.10.** Уруш ва меҳнат ногиронлари, байналминалчи жангчилар, сурункали беморлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида даволанишга (МДХ давлатларида) ўта мухтож+. ходимлар учун санатория-курортларига бориб келиш йўл кира харажатларининг ярми қопланади.

**7.12.** Ходимнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укаси, опа-сингил, турмуш ўртоғи, фарзандлари) вафот этганда дафн маросимлари учун RH37-10-254: 2020 й (***бир корхонада ишловчи қариндош ходимларнинг ўзаро ёзма келишувига асосан бир ходимга***) Ўзбекистон Республикасида белгиланган **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4(тўрт) баробари миқдорида** моддий ёрдам берилади.

Корхона ҳисобидан транспорт хизмати кўрсатилади. Биттадан автобус ва юк машинаси ажратилиши мумкин.

**7.13.** Ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда уни «Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг RHк-37-10-050:2019-сонли раҳбарий ҳужжатида белгиланган тартибда ва миқдорда бир йўла рағбатлантириш.

**7.14.** Юбилей ёшига етган ишлаётган ходимларни «Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг RHк-37-10-048:2019-сонли раҳбарий ҳужжатига мувофиқ рағбатлантирилади.

**7.15.** Тизимдаги ижтимоий ва соғлиқни сақлаш муассасалари учун (санатория-профилакториялар, пансионатлар, дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари, тиббий муассасалар ва ҳоказо) ўрнатилган тартибда маблағлар ажратилиши таъминланади.

**7.16.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторияларда, санатория-профилакторияларда, дам олиш масканларида ҳамда болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш учун корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маблағ ажратиш. Маблағларни ажратиш тартиби ва миқдори жамоа шартномаси орқали белгиланади.

**7.17.** Оғир хасталикка чалинган "Энергетика фахрийси" унвонига эга бўлган ёлғиз пенсионерларнинг стационар даволаниш харажатларини корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан аникланадиган миқдорларда қопланади.

**7.18.** Тизимда камида 10 йил ишлаб тизим таркибидаги корхоналардан пенсияга чиққан, ишламаётган пенсионерларга аризаларига мувофиқ йўлланма қийматини қисман (50%гача) тўлаш шарти билан корхона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда имтиёзли йўлланмалар ажратилади.

**7.19.** "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ходимларининг фарзандларини энергетика ва тармоқ тизимига керакли бошқа мутахассисликлар бўйича контракт асосида Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларига ўқишга жўнатилади.

**7.20.** "Ёши улуғ инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга



тиббий ёрдам кўрсатиш дастури"ни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

**7.21.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича варақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 71-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги миқдорларда нафақа тўланади:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив зарарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликлар (ўткир лейкоз, аденома, саратон)га дучор бўлганлар, харбий хизматни ядровий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга - тўлиқ иш ҳақи миқдорида;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 80%дан 100%гача;
- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60%дан 80%гача.

**7.22.**Молиявий имкониятдан келиб чиқиб, Республикада белгиланган байрам кунлари (1-январ "Янги йил", 21-март "Наврўз", 1-сентябр "Мустақиллик куни", "Энергетиклар куни" ҳамда (Рўза, Қурбон) Ҳайит байрамлари) муносабати билан бир лавозим маоши миқдорида бир йўла мукофотланади.

**7.23.**Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ишчи ходимларнинг тарихий ва қадимий шаҳарларга саёҳатини ташкил қилиш учун корхона ҳисобидан автобус ташкил этилади.

## VIII. Бўлими "Меҳнат низоларини ҳал этиш".

**8.1.** Корхоналар жамоа шартномаларида меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилади.Келишувчи томонлар ижтимоий шерикчилик принципларинитан олган ҳолда мазкур шартноманинининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар.Бахслашув лар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

**8.2.** Якка тартибдаги меҳ низолари Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан бўлган 3(уч ) нафар аьзодан тенглик асосида ташкил топган ҳар тарафдан 3( уч)нафардан ва мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатига тузиладиган Меҳнат низолар камиссияси тоионидан кўриб чиқилади. Жамоаларга доир мехнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**8.3.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва ички мехнат тартиби қоидаларига мехнат интизомига риоя этилишига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015й., № 20-66 с, 15.01.2015

й.,№ 01-СП), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради.

**8.4** Касаба уюшмаси томонидан аниқланган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилиш тизими жорий этилади.

## IX. Бўлими. "Ижтимоий шериклик ва Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши".

**9.1.** "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олади.

**9.2.** Корхона касаба уюшма қўмитасига ўз фаолиятларини амалга ошириши учун уларга зарур бўлган жиҳозланган хоналар, алоқа воситалари ва автотранспорт билан таъминлайди.

**9.3.** Асосий ишидан озод килинмаган касаба уюшма сайланма органлари аъзоларига жамоат ишларини бажариш учун уртача иш хакларини саклаган холда хафтада 2 соат бўш вакт ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонунинг18 моддасида Иш берувчи томонидан касаба уюшмалари органларига таркибига ва ишлаб чикаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмалари га оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлар сонинг 30% фоиздан кам бўлмаган вақт,шунингдек касаба уюшманинг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиш учун ўртача иш ҳаққи сақланган ҳолда вақт берилади.

**9.4.** Касаба уюшма қўмитаси штатидаги ходимларга (асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма қўмитаси раиси ва қўмита ҳисобчиси) моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар ҳамда кўп йиллик ишлагани учун тўловлар (тизимда ишлаган иш стажи учун) корхона маблағлари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассисларга тўланадиган миқдорларда тўланади.

**9.5.** Касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) ёки шунга тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади.

Шу мақсадда, ходим корхона меҳнат жамоаси вакиллик органининг асосий ишдан озод этилган сайланма лавозимига (касаба уюшма қўмитаси раислигига) сайланган тақдирда унинг олдинги лавозимига бошқа шахсларни ишга қабул қилишда улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади (сайланма органнинг ваколат муддати даврига).

**9.6.** Қуйидаги мақсадлар учун корхона касаба уюшма қўмитаси ҳисобига ҳар ойда корхона меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 1% миқдорида маблағлар ўтказилишини таъминлайди:

-маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун **(60 фоизи)**;



-тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун **(20 фоизи)**;

- уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар ҳамда даволанишга мухтож ходимларни зарурат туғилганда керакли санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш учун **(20 фоизи)**.

**9.7.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг "Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ва уларга бериладиган ҳуқуқлар тўғрисида"ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

**9.8.** Касаба уюшма органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар бундан мустасно) йўл қўймаслик. (Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари ва уларнинг фаолиятларини кафолатлари тўғрисида"ги қонуни, 15-модда). 16 модда (17 модда)

**9.9.** Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар тадбиқ этилади.

**9.10.** "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари" АЖ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган ҳамда янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда ўз ваколати доирасида касаба уюшма қўмитаси амалий ёрдам кўрсатади.

**9.11.** Санатория-профилакториялар, тиббий муассасалар, болалар оромгоҳлари, пансионатлар, дам олиш уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини сотиш, фаолиятларини ўзгартириш ёки бошқаларга бериш масалаларини касаба уюшма ташкилоти сайланма органининг фикрини инобатга олган ҳолда ҳал қилиш тавсия этилади.

**9.12.** Ходимларнинг розилиги билан корхона бухгалтерияси орқали ихтиёрий касаба уюшма аъзолик бадалларини нақд пулсиз йиғиш системаси ташкил қилинишини ҳамда йиғилган аъзолик бадалларини касаба уюшма қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминлайди.

**9.13.** Корхона ҳисоб рақамида маблағ етарли бўлмаган холларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартдаги 2342-рақам билан рўйхатга олинган "Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома"га мувофиқ касаба уюшма аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**9.14.** Касаба уюшма қўмитаси раиси ни акциядорлик жамияти ва унинг тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий

масалаларига оид қарорлар қабул қиладиган коллегиал органлар таркибига киритилади.

**9.15**. “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталарига обуна бўлишда касаба уюшмасига кўмаклашади.

**9.16.** “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ иш берувчиси асосий ишидан озод этилмаган ҳолда корхона касаба уюшма кўмитаси раиси лавозимига, кўмита аъзолигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва х.к.) корхона ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

**9.17.** Иш берувчи томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ корхонада ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратишга кўмаклашилади.

**9.18.** Касаба уюшмасининг меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида жамият билан тизимли ҳамкорлиги таъминланади.

## X. Бўлим “Касаба уюшма кўмитасининг мажбуриятлари”.

**10.1.**Ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга меҳнат жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва уларга кўмаклашилади.

**10.2.** Ягона ижтимоий тўловлар ҳисобидан ажратиладиган қуйидаги маблағларни сарфланиши назорат қилинади:

а) соха ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун санаториялар ва болалар оромгоҳлари йўлланмалари учун белгиланган тартибда ажратилган маблағларни;

б) тармоқ тасарруфидаги болалар оромгоҳлари учун тасдиқланган сметаларга мувофиқ белгиланган тартибда ажратилган маблағларни.

**10.3.** Санатория-курортларга ва даволаниш масканларига ягона ижтимоий тўловлар маблағлари ҳисобидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган йўриқномага риоя қилинган ҳолда тақсимланишини таъминлайди.

**10.4.** “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ касаба уюшма кўмитасига касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона (рационал) фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

**10.5.** Касаба уюшма бюджетининг касаба уюшма кўмитаси томонидан белгиланган мақсадлар бўйича бажарилишини таъминлайди ва назорат қилади.

**10.6.** Меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақтлари бўйича “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

**10.7.** Янги объектларни эксперт комиссиялари томонидан қабул қилиш, шунингдек бахтсиз ҳодисаларни текшириш ишларида иштирок этиш учун ўз



вакилларини жўнатади.

**10.8.** Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

**10.9.** Иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини, шунингдек мазкур келишувдаги мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади.

**10.10.** Ижтимоий-меҳнат кафолатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминлаш, иш вақти режими ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимларни саломатлигини сақлаш масалалари бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш ва ўз вақтида таклифлар киритилади.

**10.11.** Қуйидагиларда иштирок этилади:

- меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма фаолларининг ўқишлари, семинарлари ва кенгашларини ўтказишда;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ўтказиладиган комплекс текширувларда;
- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида.

**10.12.** Корхонада хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ишларини яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрланади.

**10.13.** Корхона касаба уюшма кўмитасига меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда, меҳнат муҳофазаси комиссиялари аъзолари ва жамоатчи вакилларни ўқитишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатилади.

**10.14.** Иш ҳақидан қарздорлик юзага келганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори билан тасдиқланган “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича касаба уюшма кўмитасининг ҳаракат тартиби”да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши таъминланади.

**10.15.** Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаб биринчи бор ишга кираётган ёшларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмаслиги ва уларни ишдан бўшатишда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиниши шартлиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

**10.16.** Мулкдор ёки унинг манфаатини ифодаловчи орган олдига меҳнат қонунчилигини бузаётган ва мазкур келишувдаги мажбуриятларни бажармаётган иш берувчилар билан тузилган контрактни бекор қилиш тўғрисида таклиф киритилади.

**10.17.** Корхонада меҳнат ва технологик интизом мустахкамланишига, ички меҳнат тартибига риоя қилинишига ва меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашади.

**10.18.** Ёлланма ходимлар онгида жамият мулкини сақлаш, моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш тушунчаларини шакллантириш ишларини амалга оширилади.

**10.19.** Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш, ўқув

семинарлари ва курслари ташкил қилиш ҳамда ўтказиш.

**10.20.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

- бир хил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- ижтимоий йўналтирилган Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;
- иш берувчи томонидан иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш;
- касаначилар, вақтинчалик мавсумий ходимлар, шунингдек ходимларнинг бошқа ижтимоий ночор тоифалари манфаатларини ҳимоя қилиш;
- корхона банкротга учраши ёки қайта ташкил этилиши натижасида бўшаб қолган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

## XI.Бўлим "Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари".

**11.1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларнинг ижроси таъминланади.

**11.2.** Ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш ва меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ижтимоий шерикчилик тамойили асосида ривожлантириш, ўзаро манфаатларни ва тенг ҳуқуқлиликни ҳурмат қилиш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинади.

**11.3.** Ходимлар ва ишламаётган пенсионерлар учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳамда мазкур келишувда белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг бажарилиши таъминлайди.

**11.4.** Маънавий-маърифий ва маданий-оқартирув ишларини ривожлантириш, турли тадбирлар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва уларни амалга ошириш, ҳамкорликда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалалари мувофиқлаштириб боради.

**11.5.** Болалар оромгоҳларининг ёзги мавсумга ўз вақтида тайёрланишини ва ёзги соғломлаштириш мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш. "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖда бўлган ҳамда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга кирмаган болалар оромгоҳлари йўлланмалари тўлиқ қийматини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда маблағ ажратилишини кўзда тутилади.

- Ягона ижтимоий тўловлар маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг - **22,5%** миқдорида;
- Касаба уюшма маблағлари ҳисобидан – ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг **25%** миқдорида;
- Ота-оналар бадаллари ҳисобидан - ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг **27,5%** миқдорида;
- қолган қисми (**25%**) корхоналар маблағлари ҳисобидан.

Бунда кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган



оилалар фарзандларини ҳамда ногирон-болаларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш. Йўлланмалар учун харажатлар касаба уюшмаси қўмиталари ва корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

**11.6.** Қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда чоралар кўрилади:

- ходимлар ва улар оилаларининг турмуш даражасини ошириш;
- хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш.

**11.7.** Корхона ва касаба уюшма қўмитаси раҳбарларини ижтимоий шерикчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича ўқишлар ташкил қилинади.

**11.8.** Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган кўп болали аёлларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлади;

**11.9.** Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида жойларда ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия хашарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши асосида ўтказиладиган хайрия хашарларида фаол иштирок этишни таъминлайди.

**11.10.** Кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини ҳар йили касаба уюшмалари санаторияларида корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилиши ташкил қилади.

**11.11.** Корхонада жамоа шартномасининг тегишли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузилиши таъминлайди.

**11.12.** Корхона жамоа шартномаси,Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшма Республика кенгаши раёатининг қарори билан тасдиқланган "Жамоа шартномаларининг тармоқ макети"га мувофиқлиги таъминлайди.

**11.13.** Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун тармоқ касаба уюшма фаоллари ва иш берувчилар вакиллари билан давра суҳбатлари ташкил қилади.

**11.14.** Корхонага касаба уюшма аъзоси бўлмаган янги ходимларни ишга қабул қилишда уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишликни таклиф этиш ва аъзолик афзалликлари тушунтириш ишларини олиб боради.

**11.15.** Касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи корхонанинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

**11.16.** Колмарказлар, ишонч телефонлари ва виртуал қабулхоналар тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми янада такомиллаштиради.

**11.17.** Корхона ва маҳаллий микёсларда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишлари давом эттиради.

**11.18.** Хўжалик субъектларини халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи конвенцияларига риоя этишга доир чоралар тизими ҳар йили таҳлил қилинади.

**11.19.** Ягона музокаралар жараёнини тадбиқ этиш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

- корхонада жамоа шартномисини - март ойидан кечиктирмай тузишни;
- жамоа шартномасини бажариш якунларини касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчининг қўшма мажлисида, шунингдек, меҳнат жамоалари умумий йиғилиши(конференция)да тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

## XII.Бўлими "ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар".

**12.1**. Корхона ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- халқаро меҳнат ташкилотининг "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-сонли ва "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш юзасидан аник мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;
- ёш мутахассислар кенгашини тузиш, ёш ишчилар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;
- корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасалари ва ўқув курсларида ёш ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;
- ёшларни билим салоҳиятини ошириш мақсадида, уларнинг замонавий билимлар, хорижий тил, компьютер саводхонлигини мукаммал эгаллашларига ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш;
- корхонанинг маблағлари ҳисобидан ёш мутахассислар, ижтимоий кам таъминланган ходимлар тоифасига кирувчиларнинг уй ижара тўловларини тўлаб бериш;
- бошқарув салоҳиятига эга бўлган иқтидорли ёш ходимларни таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва сайланма касаба уюшма органлари раҳбарлари лавозимлари захираларига қабул қилиш амалиёти кенгайтирилишига кўмаклашиш;
- "Устоз-шогирд" тизимини кенг жорий этиш ва таълим муссасаларини битириб янги ишга қабул қилинган ёшларни малакали ва тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйиш ҳамда кўнимлилигини таъминлаш;
- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.
- келишилган шартномалар асосида ўқув ишлари бўйича талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказишга шароит яратиш;
- талабаларнинг амалиёт дастурини бажаришда етакчи мутахассислар орасидан амалиёт раҳбарларини ажратиш ва зарурий шароитлар яратиш.



**12.2.** Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур шартнома мақсадлари учун Ўзбекистон РеспубликасининғЎРҚ 406 сонли "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги" қонун билан белгиланган "ёшлар" "ёш оила" "ёш мутахасис тушунчаларидан фойдаланиш.

**12.3.**" Корхонада жамоа шартномалари орқали ёшлар учун Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилиши таъминланади:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246- 247 моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-258 моддалар);

в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

**12.4.** Қонун ҳужжатларига мувофиқ ва мазкур келишув мақсадларида:

а) 30 ёшдан ошмаган ходимлар **ёшлар** деб ҳисобланадилар;

б) олий ёки ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битиргандан сўнг олган ихтисослиги бўйича 3 йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига 3 йилдан кўп бўлмаган 30 ёшдан ошмаган ходимлар **ёш мутахассислар** деб ҳисобланадилар;

в) эр-хотиннинг иккиси ҳам 30 ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган 30 ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оилада, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) **ёш оила** деб ҳисобланади.

**12.5.** Иш берувчи ишни таьлим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга йилида бир марта лабаратория имтиҳон сесиялари( шунингдек диплом ишларини химоя қилиш,битирув имтиҳонларини топшириш даврида ўқув муасасига бориб келиш учун йўлкира харажатларини 50%ни тўлаб береди.(ўқув ютини чакирув қоғози асосида)

**12.6.** Иш берувчининг мажбуриятлари ; ўн сакига тулмаган

**12.7.** лар, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширади.

**12.8.** Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида қўнимлилиги алоҳида назоратга олинади.

**12.9.** "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖда ишлаётган турмуш қурган ёш мутахассисларга яшаш шароитларини яхшилаш учун банклардан кредитлар олиши учун кафил бўлиш ҳамда корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб фоизсиз ссудалар ажратилади.

## XIII. Бўлим "Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар".

**13.1.** Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига катъий риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**13.2.** Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини

таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

- "Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-сонли Конвенция;

- "Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида"ги 100-сонли Конвенция;

-"Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 103-сонли Конвенция;

- "Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида"ги 105-сонли Конвенция;

- "Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида"ги 111-сонли Конвенция;

**13.3.** Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида корхоналарда жамоа шартномалари орқали Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилиши ҳамда имтиёзлар берилиши таъминланади:

а) хомиладор аёллар учун (78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233-моддалар);

б) икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалар);

в) уч ёшгача фарзанди бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228*, 234, 237-моддалар);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (150, 232-моддалар);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, хомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалар)

ж) болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалар).

**"8 март халқаро хотин-қизлар байрами"** муносабати билан корхоналарда меҳнат килаётган аёлларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 баробари бир йўла** миқдорда моддий ёрдам берилади.

**13.4.** Аёлларни хохишига кўра туғишгача ва туғишдан кейинги таътиллар тугагандан сўнг уларга икки ёшгача фарзанд тарбияси учун таътил бериш ва шу давр учун қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўлаш. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга уларнинг хохишига кўра тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин, бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

**13.5.** Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишгача ва туғишдан кейин) учун корхоналар ҳисобидан ҳақ тўлаш. **(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699 сонли қарори асосида).**

**13.6.** Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 40 % фоизи** миқдорда моддий ёрдам берилади.

## XIV. Бўлим "Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, оғломлаштириш ва спорт ишлари".



**14.1.Иш берувчи вакиллари:**

**14.1.1.** Касаба уюшмаси қўмитасига ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган иншоотлар ва объектларни, шунингдек, дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун бериш;

**14.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:**

**14.2.1.** «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика Маънавият тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

**14.2.2.** Давлат дастурларини бажариш доирасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиш;

**14.2.3.** Корхона балансидаги кутубхона, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини **корхона** ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, уларда ишловчи ходимлар ойлик маошларини молиялаштириш. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;Китобхон бурчагини ташкил этиш ва "Энг яхши китохон "кўрик танловини ўтказиш.

**14.2.4.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий хаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовар жойларга саёҳатларини уюштириш;

**14.2.5.** Умумхалқ ва касб байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий хаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

**14.2.6.** Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта «Маънавият соатлари»ни ўтказиб бориш.

**14.3.** Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

**14.4.** Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

- Жамоат ташкилоти ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, меҳнаткашлар ва

уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

**14.5** Корхонада ҳар ойнинг 30 санасини "спорт куни" деб белгилаш. **Корхона** балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини **корхона** маблағлари ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш;

Вилят Касаба уюмалари бирлашмаси маданий марифий ва спорт ишлари бўлими ҳамда Вилоят Спорт федерациялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

## XV. Бўлими "Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида".

**15.1.** "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ва касаба уюшма қўмитаси меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари максимал даражада таъминланишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ корхонани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга оширади.

**15.2.** Акциядорлик жамиятларида овоз берувчи акциялари сони 1% дан кам бўлмаган улушга эга бўлган меҳнат жамоасининг таклифига кўра кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар таркибига асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма қўмитанинг раиси киритилади.

**15.3.** Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акциялар меҳнат жамоаси умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Низомга асосан тақсимланади.

**15.4.** Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларига бериладиган имтиёзлар "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун асосида амалга оширилади.

Акциялар учун ҳақ тўлаш тартибини давлат мулкини тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

## XVI. Бўлим "Жамоа шартномасиснинг бажарилишини назорат қилиш ".

**16.1.** "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ва Касаба уюшма қўмитаси:

**16.1.1.** Мазкур жамоа шартномасининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ҳамда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тезкор ҳал қилинишига эришиш мақсадида корхоналарда доимий фаолият кўрсатувчи икки томонлама меҳнат консультациялари комиссияларининг ташкил қилинишини таъминлайдилар.

**16.1.2.** Касаба уюшма қўмитаси манфиатлари утомондан ифода этилаётган ходимлар номидан Иш берувчи билан жамоа музокараларини олиб боришга жамоа шартномасини тузишга бўлган устивор ҳуқуқга эга, шунингдек унинг



бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.( Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари тўғрисидаги "Қонунининг 29ва 34 моддалари)

Тарафлар тенглик асосида мазкур шартномани бажарилишини текшириб борувчи камиссияни тузишни ўз зиммалаврга оладилар.

Тарафлар йилида 1 маротаба мазкур шартномани бажарилиши юзасидан текширув утказиш ва текширув натижаларини жамоанинг умумий йиғилишида ( конференцияси)да муҳокама қилишни ўз зиммаларга оладилар.Бунда жамоа ишартномасининг бажарилиши йил якунлари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кўриб чикилади.

Заруриятга қараб, лекин йилда камида бир марта келишувнинг бажарилишини "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ва касаба уюшма қўмитаси қўшма мажлиси(конференцияси)да муҳокама қилиб боришади, ушбу масала бўйича корхона раҳбари ҳамда масъулларнинг ҳисоботларини эшитадилар.

**16.1.3.** Умумий йиғилиш(конференция)да Иш берувчининг корхона ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслигига оид мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши юзасидан ҳисоботини эшитадилар.

**16.1.4.** Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишади, камчиликлар ва тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда томонларни хабардор қилади ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қиладилар.

**16.1.5.** Зарурат туғилганда ва фақат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу келишувга томонлар олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритадилар.

**16.2.** Келишувни бажаришда томонлар ўртасида юзага келувчи бахсли масалалар келишув комиссияси томонидан ҳал қилинади.

**16.3.** Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки тўлиқ бажармаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

**16.4.** Тарафлар Бош келишув,тармоқ (тариф) ,ҳудудий (минтақавий) келишувларни тан олиб уларни бажарилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар .Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартириш киритилса , Иш берувчи ва Касаба уюшма қўмитаси 10 ( ўн) муддат ичида мазкур шартномага тегишли ўзгартириш вап қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боради.

Томонлар таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

**16.5.Шартноманинг** амал килиш даврида ёки амал килиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгаришлар қўшимчалар қўшимча келишув

келишувларни тан олиб уларни бажарилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар .Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартириш киритилса , Иш берувчи ва Касаба уюшма қўмитаси 10 ( ўн) муддат ичида мазкур шартномага тегишли ўзгартириш вап қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боради.

Томонлар таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

**16.5.Шартноманинг** амал килиш даврида ёки амал килиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгаришлар қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва мазкур шартноманинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади.Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Келишувни тузган томонлар уни барча меҳнат жамоасига ва касаба уюшма қўмитасига етказишни таъминлайдилар.

**16.6.** Келишувни бажарилиши бўйича жавобгарлик "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ раҳбари ва Касаба уюшма қўмита раиси ҳамда келишувдаги муайян тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

**16.7. Жамоа шартномаси** мажбуриятларининг бузилиши ёки уларнинг бажармаслик учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.Иш берувчи ушбу шартномани шартларини бузувчи қарор қабул қилганда тақдирда касаба уюшма қўмитаси ушбу қоида бузарликни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли ,бу тақдимнома бир ҳафта лик муддатда кўриб чиқилади.Иш берувчи касаба уюшма қўмитасининг ушбу талаблариниқаноатлаштиришни рад қилган ёки белгиланган муддатда келишувга эришилмаган тақдирда ,келишмовчиликлар қонун ҳужжатларига муофиқ кўриб чикилади.( Ўзбекистон Республикаси "Касаба уюшмалари тўғрисидаги" Қонунининг 46 - моддаси)

Шартнома мажбуриятларининг бузилишида ёки бажармаслигида айдор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида хамда мазкур шартномада белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладтилар.

Мазкур Жамоа шартномаси томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва янги жамоа шартномаси қабул қилингунга қадар амал қилади.

| | |
|---|---|
| **"Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси"акциядорлик жамияти** | **"Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти** |
| **Бош директори:** | **Касаба уюшма қўмита раиси:** |
| **Б.Б.Ҳаётов** ______________ | **Д.З.Учиков** ______________ |